Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2013 йил 18 январь ● № 3 (920)

### Қўшма комиссия йиғилиши

## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Куни кеча Вазирлар Маҳкамасида Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган ишларни кучайтириш ва улар самарадорлигини ошириш бўйича ҳукумат комиссияси ҳамда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш республика комиссиясининг қўшма селектор мажлиси бўлиб ўтди.***

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ҳамда Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари иштирок этди.

Кун тартибида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ врачлик пунктлари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, тез тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш ҳамда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш ҳамда тиббий муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, 2012 йилда “Туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қиз ва болаларни соғломлаштириш” ҳафталикларида пойтахтимизнинг етакчи клиникаларидан 800 нафардан ортиқ профессор ва юқори малакали мутахассислар республикамиз миқёсидаги 2680 та қишлоқ врачлик пунктларида 311 минг нафардан зиёд аёллар, 210 мингдан ортиқ ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказган, касаллик аломатлари аниқланганлар даволаш-профилактика муассасаларида соғломлаштирилган. Қишлоқ аҳолисига малакали бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун 3185 та ҚВП фаолият юритмоқда. Ушбу тузилмаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш борасида жойларда ҳокимликлар билан ҳамкорликда изчил ишлар йўлга қўйилган.

Бугунги кунда ҚВПларда 6979 нафар умумий амалиёт шифокорлари фаолият юритмоқда. Уларнинг касбий малакасини ошириш, узлуксиз тиббий таълим тизими билан қамраб олиш бўйича Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ҳамда умумий амалиёт шифокорлари ўқув марказлари қошида УАШ бўйича ўн ойлик, шунингдек турли йўналишларда қисқа муддатли курслар ташкил қилинган.

Мавзу муҳокамаси давомида ҚВПларни капитал ва жорий таъмирлаш бўйича амалдаги фаолият хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Шу кунга қадар тез тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш борасида 48 та туман ва шаҳарлардаги 52 та тез тиббий ёрдам тузилмаларини таъмирлаш юзасидан ишлаб чиқилган режага асосан 50 та бўлим ва шохобчаларда ишлар ниҳоясига етган, 110 та “Дамас” тез тиббий ёрдам автомашиналари жойларга етказилган. Ушбу масала юзасидан келгусидаги режалар хусусида ҳам фикрлар алмашилди.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Сайдмурод Сайдалиев атрофлича ахборот бериб ўтди.

Мажлисда айрим ҳудудий ҳокимликлар ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари мутасаддиларининг ҳисоботлари тингланди.

Кун тартибида кўриб чиқилган барча масалалар бўйича қўшма мажлис ҳамда республика мувофиқлаштириш комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ибодат СОАТОВА.**

### Научные изыскания



**Научно-исследовательский институт травматологии и ортопедии является одним из ведущих медицинских учреждений республики, где, без преувеличения, внедрены практически все современные методы лечения и диагностики соответствующих заболеваний.**

**В этом направлении в НИИ накоплен огромный опыт исследовательской работы. За последнее время в институте сформировано новое поколение специалистов, и в основном из числа молодых кадров, обладающих высокой квалификацией, имеющих ученые звания кандидатов и докторов наук. Этим целям служит и Кенгаш молодых ученых, действующий уже двадцатый год. Кстати сказать, данная структура стала своего рода базой в обогащении научного потенциала многих медицинских учреждений страны.**

*(Материал, посвященный новым направлениям деятельности НИИ травматологии и ортопедии, читайте на 6-7 страницах).*

### Соғломлаштириш ҳафталиги

## ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

### баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил

***Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги 1096-сонли "Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғи ишлаб чиқилган бўлиб, тўрт йилдирки республика миқёсида ҳар ойда бир марта "Фертиль ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиги" тадбирлари узлуксиз тарзда ўтказиб келинади.***

Соғломлаштириш ҳафталигида вазирлик томонидан тавсия этилган етакчи клиникалардан акушер-гинеколог, педиатр, УТТ мутахассиси ва терапевтлар иштирок этади.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, 2012 йил давомида ўтказилган соғломлаштириш ҳафталиклари самарали якунланди. Обод турмуш йилида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 10 январдаги 15-сонли фармойишига асосан соғломлаштириш ҳафталиги тадбирларини ўнга яқин турли йўналишдаги мутахассислар иштирокида ва уч босқичда ташкил этиш режалаштирилмоқда. Аввалги йиллардан фарқли равишда эндиликда асосий эътибор тиббий кўрикдан ташқари, тарғибот ишларига ҳам қаратилади. Айни кунларда эса республика миқёсида тадбирнинг биринчи босқичи давом этмоқда.

14 январда бошланган саломатлик ҳафталигида Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ва вилоят филиаллари, Давлат санитария-эпидемиология назорати, ОИТС, скрининг марказлари, жойлардаги оилавий поликлиникалар

**(Давоми 3-4-бетларда).**

### Обуна – 2013

**Ҳурматли муштарийлар!**
**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана»**
**газетасига 2013 учун обуна мавсуми давом этмоқда.**
**Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**
**Нашр индекси: 128.**

### Тиббиёт календари

***24 март*** *– Бутунжаҳон сил касаллигига қарши кураш куни*
***7 апрель*** *– Бутунжаҳон Саломатлик куни*
***12 май*** *– Халқаро Ҳамширалар куни*
***31 май*** *– Бутунжаҳон тамаки чекишга қарши кураш куни*
***1 июнь*** *– Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни*
***14 июнь*** *– Бутунжаҳон Донорлар куни*
***26 июнь*** *– Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни*
***Ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси*** *– Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари куни*
***1 декабрь*** *– Бутунжаҳон орттирилган иммунитет танқислиги синдроми куни*
***3 декабрь*** *– Халқаро ногиронлар куни*

*Жараён*

# ДОИМИЙ ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ – ТИББИЁТ ТАЛАБИ

***Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида самарали натижалар қўлга киритилаётгани, давр талабида барпо этилаётган тиббиёт муассасалари замонавий технологиялар билан жиҳозланаётгани ҳеч биримизга сир эмас, албатта.***

Кадрлар масаласига эътибор қаратилиб, бу борада уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, узлуксиз таълим жараёнлари мунтазам равишда олиб борилаётгани ҳам яхши маълум. Ушбу йўналишдаги вазифалар айниқса Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг “Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш” кафедраси фаолиятида яққол намоён бўлмоқда.



**Бу борада мазкур кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дамин Асадов қуйидагиларни гапириб берди:**

– Бундан тўрт йил аввал Соғлиқни сақлаш вазирининг таклифига биноан кафедрада Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, ҳамширалик иши бўйича вилоят бош ҳамшираларини ўқитиш жараёнлари бошланганди.

Ўқув цикллари асосан соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш, муассасалар фаолияти ва иқтисодий-молиявий ҳолатни таҳлил ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, даволаш-ташхис жараёнини тиббиёт методологияси асосида ташкиллаштириш, қишлоқ тиббиётининг ўзига хос хусусиятлари, тиббий хизмат сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳужжатлари ва дунё тиббиёти янгиликлари муҳокамаси мавзуларини қамрайди.



Таъкидлаш лозимки, ҳар йилги ўқув курслари бир-биридан фарқ қилади. Ўқув цикллари доирасида соҳага тааллуқли бўлган Президентимиз фармон ва қарорлари, қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, давлат дастурлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги меъёрий ҳужжатлари ўрганилади. Назарий билимлар билан бир қаторда тингловчилар етакчи клиникаларда амалиётда ҳам бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан маънавият ва маърифат ишларига қаратилаётган эътибор ҳар бир инсоннинг интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Кафедрада бу борада ташкил этилган алоҳида хона барча адабиётлар ва қўлланмалар билан бойитилган. Бундан ташқари, тингловчилар маданий ҳордиқ чиқариши учун пойтахтимиздаги етакчи театрларига саёҳат ҳам уюштириб турилади.

Жорий йил ўқув курслари режасида ҳам тизим фаолиятидаги асосий масалалар кенг қамраб олинган. Машғулотларни кафедра профессор-ўқитувчилари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиқлари, етакчи мутахассислари олиб бормоқда. Тингловчилар иш фаолиятидаги ютуқ ҳамда муаммолар юзасидан ўзаро фикрлашиб, тажриба алмашиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда.

– Замонавий тиббиёт ҳар бир соҳа мутахассисидан катта масъулият талаб қилади ва шу билан бир қаторда мунтазам равишда билимини ошириб боришни тақозо этмоқда. Бунинг учун, албатта, ўз устимизда ишлашимиз, малакамизни ошириб боришимиз зарур. Дарҳақиқат, кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар малакасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Республикамизда ягона ҳисобланган Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт ходимлари ўз тажрибасини бойитиш имкониятига эгадир. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу борада соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедраси фаолияти алоҳида ажралиб туради. Бу йилги машғулотларда биз учун зарур бўлган барча муҳим мавзулар акс эттирилмоқда. Айниқса ахборот технологияларини қўллаш, электрон ҳужжатларни юритиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, инвестиция дастурлари, тизимга оид ҳужжатлар мониторингини олиб бориш, хато ва камчиликларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш чора-тадбирлари, молия ва иқтисодиёт, ОИВ/ОИТС бўйича амалга оширилаётган ишлар, вакциналар таъминоти, эмлаш қамровини назорат қилиш, қизамиқ ва қизилча касалликлари верификацияси каби мавзулар кенг даврада биргаликда муҳокама қилинаётгани бевосита фаолиятимиз давомида ҳам муҳим аҳамият касб этади, – **деди Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Пўлат Бобоев.**

– Бир ҳафталик ўқиш давомида кафедра профессор-ўқитувчилари, соғлиқни сақлаш тизимидаги етакчи мутахассисларнинг берган назарий билимлари касб маҳоратимизни оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга маънавий ва маърифий сабоқлар ҳам ҳар бир тингловчи учун катта мактаб вазифасини ўтади десам, адашмайман.



Ҳар бир вилоятда эришилган ютуқлар, қолаверса, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар биринчи галда раҳбарга катта масъулият юклайди. Шундай экан, тингловчиларнинг мақсад-вазифаси битта – у ҳам бўлса инсон манфаати ва саломатлигини муҳофаза қилишдан иборатдир. Ўқув курси давомида олган билимларимизни фаолиятимизда албатта қўллашимиз муҳим.



Машғулотларда танлаб олинган ҳар бир мавзу замирида ислоҳот жараёнларининг асл мақсад ва моҳияти ётади. Биз, раҳбарлар, курс давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ҳам чуқур маълумотларга эга бўлдик.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳар соҳа ходимларига яратилаётган кенг имкониятлар учун авваламбор давлатимиз раҳбарига, шу қаторда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига кўпчилик номидан миннатдорчилик билдириб қоламиз, – **деди Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Валихон Ҳакимов.**

**Ушбу фикр-мулоҳазалар Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедрасининг фақат бир кунлик иши асносида билдирилди. Кенг аудиторияни қамраб олган кафедранинг умумий фаолияти ёритиладиган бўлса, бу ерда билим ва тажрибасини ошираётган тиббиёт ходимларининг эътирофли фикрларини бир нечта газета саҳифаларида акс эттириш қийин. Шундай бўлсада, кафедра жамоасига инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш йўлидаги хайрли ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

*Хабар*



# Малакали хизмат

***Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида 186 минг аҳоли истиқомат қилади. Туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда 16 та қишлоқ врачлик пункти замон талаблари асосида жиҳозланган. Уларда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.***

2012 йили туман тиббиёт бирлашмаси қошида шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимининг янги биноси ишга туширилди. 30 ўринга мўлжалланган бўлим энг замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармон ва тиббий транспорт билан таъминланган. Бу ерда беморларга шошилинч ёрдам кўрсатиш, ташҳис қўйиш, даволаш ва жарроҳлик амалиётлари малакали шифокорлар томонидан амалга оширилмоқда.

**ЎзА.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Соғломлаштириш ҳафталиги*

# ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

## *баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил*

*Тошкент вилояти*

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

мутахассислари томонидан маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари, шунингдек аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи-



га оид суҳбатлар, семинар-тренинглар ҳамда тиббий кўрик ўтказилмоқда.

Саломатлик ҳафталиги доирасида Тошкент вилояти ва



пойтахтимизда ўтказилаётган тадбирлар билан танишилди. Бунинг баробарида Қорақалпоғистон Республикаси, бошқа вилоятлардан ҳам тезкор ахборотлар олинди.

Қибрай тумани (Тошкент вилояти)даги Байтқўрғон хизмат кўрсатиш иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтказилган соғломлаштириш тадбирида кенг аудиторияни қамраб олган ўқувчилар тиббий билимга эга эканлигига гувоҳ бўлдик.

*– Туман ҳудудидаги Чингелди маиший хизмат кўрсатиш, Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, молия-иқтисодиёт, энергетика, тадбиркорлик, агро ва тижорат касб-ҳунар коллежлари, Тошкент Давлат аграр университети қошидаги академик лицей, 1, 2, 6, 9-мактаблар ҳамда ҳарбий қисмларда соғломлаштириш ҳафталиги қизғин давом этмоқда. Тиббиёт соҳаси мутахассислари суҳбат, семинар-тренинглар олиб бормоқда. ОИТС, гиёҳвандлик касалликларига оид видеофильмлар ҳам намойиш этилмоқда. Айниқса тренинг машғулотлари мавзу доирасидаги савол-жавобларга бой ўтмоқда. Ёшларнинг тиббий саводхонлиги даражасини ўрганишда анкета-сўровномалар қўл келмоқда. Қатнашчиларга соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган буклет ва эслатмалар тарқатилмоқда. Бундай оммавий тарзда ташкил этилаётган ҳафталик биринчи галда ёш авлоднинг соғлом ўсишида муҳим аҳамият касб этади,* – **деди Қибрай тумани Саломатлик маркази раҳбари Арофат Хўжаева.**

*– Дарҳақиқат, ҳафталик ёшларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий билимларини оширишда алоҳида ўрин тутади. Бунга тадбирларда фаол иштирок этаётган ўғил-қизларимиз мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.*

*Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ташкил этилган саломатлик ҳафталиги доирасида мен "Оила – бирламчи тарбия маскани" мавзусидаги маъруза билан қатнашдим. Мавзуга ўз фикрларини билдирар экан, ўқувчилар оилада ота-она ва фарзандларнинг ўрни ҳақида кўп мисоллар келтириб, мушоҳада юритишди. Демоқчиманки, ҳафталик тарғибот тарзида ўтказилаётганлиги ёшларнинг билим ва кўникмалари доираси кенгайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади,* – **деди Қибрай тумани "Оила" маркази раиси Матлуба Тоғаева.**

*– Ҳафталик тадбирлари давомида ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, "Соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш" мавзусида семинар-тренинг олиб бордик. Қувонарлиси, ёшларимиз "Саломатлик нима?", "Оила ва соғлом турмуш тарзи", "Жисмоний фаолият ва баркамоллик" мавзуларидаги саволларга тўлиқ жавоб қайтаришга ҳаракат қилишди. Улар эътиборига махсус тайёрланган видеороликлар ҳам намойиш этилди. Қизғин баҳс ва мунозараларга бой ўтган бундай мулоқот, ўйлаймизки, фарзандларимизда катта таассурот қолдиради,* – **деди Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент филиали директори Саида Юнусова.**

*– Ўқувчиларга бугунги кунда дунё миқёсида кенг тарқалган ОИТС касаллиги инсонлар ҳаётига хавф солаётганлигини мисоллар келтириб, видеороликларни намойиш этган ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилдик. Ёшларимиз бу борада ўз фикрларини билдиришди. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, тарғибот ишлари жойларда мунтазам олиб борилса, кўзлаган мақсадга эришамиз,* – **деди Тошкент вилояти ОИТСга қарши кураш маркази ходими Ибодат Шотемирова.**



*– Ватан ичра бир кичкина Ватан борки, бу оиладир. Қачонки оиламиз тинч бўлса, ҳаловат топамиз, ишимизда ҳам унум бўлади. Кейинги йилларда ма-*



*ҳаллаларда олиб борилаётган кенг қамровли саъй-ҳаракатлар натижасида турмушимиз фаровонлиги янада ошиб бормоқда.*

*Маҳалламизда ёшларимиз маънавиятини ошириш масаласида мунтазам давра суҳбатлари ўтказиб турилади. Соғломлаштириш ҳафталиги доирасида ташкил этилган учрашув ҳам бесамар кечмайди. Чунончи, тиббиёт соҳаси вакилларининг тавсия ва маслаҳатлари барча учун, муболағасиз, ўзига хос мактаб бўлди,* – **деди Қибрай тумани Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилбар Алиакбарова.**

**А. Тожибоев, Х. Мусахонова, Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчилари:**

*– Тадбирлар давомида тиббий билимимизни янада оширишга муваффақ бўлдик. Саломатлигимизга эътибор ҳам анча кучайди. Оила муқаддас, уни асраб-авайлаш ўзимизга боғлиқлиги хусусида муҳим маълумотлар олганимиз, албатта, фойдадан ҳоли бўлмайди.*

**Ибодат СОАТОВА.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

**Қорақалпоғистонда соғломлаштириш ҳафталиги тадбирларига Халқ таълими, Ўрта махсус таълим вазирликлари мутахассислари, бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари жалб этилган.**

Ҳафталик доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги Она ва бола скрининг маркази, Силга қарши курашиш диспансери, ДСЭНМ, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти филиали ходимлари томонидан оила тиббий маданиятини ошириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва муҳофазалаш мавзусида кенг қамровли тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Хужайли тумани ҳокимлигида маҳалла маслаҳатчиларини таклиф этган ҳолда орттирилган иммунитет вируси ҳамда оила муносабатлари мавзусида семинар ташкил этилди. 69, 56-мактаблар, Педагогика ва транспорт коллежи, 9, 10-мактабгача тарбия муассасалари ва бир қатор маҳаллаларда «Соғлом турмуш тарзи», «Грипп ва сил касалликлари профилактикаси», «Репродуктив саломатлик» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларга 680 дан зиёд киши қамраб олинди.

– Мактабимизда ўтказилган учрашувларда тажрибали мутахассислар томонидан турли касалликлар тўғрисида берилган маълумотлар бўйича зарур билимга эга бўлдик, – дейди 56-мактаб ўқувчиси Озод Нуратдинов. – Айниқса долзарб мавзу бўлган ОИТС касаллигининг келиб чиқиш ва юқиши сабаблари хусусидаги суҳбатлар биз, ёшларни, яна бир бор огоҳликка чорлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, айрим мактабларда ўқувчиларнинг мавзуга оид иншолари тақдимоти ҳам уюштирилмоқда.

**Т. РУЗМЕТОВА,**
**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори.**

*Фарғона вилояти*

**Фарғона вилоятида соғломлаштириш хафталигини юқори савияда ўтказиш, бу борада аҳолининг кенг қатлами, айниқса ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ишлар мониторингини олиб бориш мақсадида вилоят етакчи мутахассисларидан иборат тўртта гуруҳ тузилди.**

14-16 январь кунлари Фарғона тумани аҳолисининг турли қатламлари, шу жумладан маҳалла фаоллари, коллеж, лицей, мактаб ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида тиббий тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, фертиль ёшдаги аёллар, болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Тўртта касб-ҳунар коллежи, шунчадан маҳалла ва мактабгача таълим муассасалари, бешта мактабда мутахассислар иштирокида савол-жавоб учрашувлари, ўқув семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда 810 дан зиёд ёшлар ва катта авлод вакиллари қатнашди. Маҳалла ва ўқув масканларида шунингдек тарғиботчи гуруҳлар томонидан "Репродуктив саломатлик", "Сил касаллигининг олдини олиш", "Грипп касаллиги", "Вирусли гепатит профилактикаси" мавзуларида икки босқичда анкета-сўровномалари ташкил этилди. Ҳафталик тадбирлар давомида Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Фарғона филиали томонидан чоп этилган "Сиз оилага масъулсиз", "Камқонлик тўғрисида нималарни биласиз?", "Сариқ касаллигидан сақланинг", "Эҳтиёт бўлинг, грипп!", "Диққат, ботулизм" номли буклет ва эслатма варақалари тарқатилди. Ҳафталик доирасида ўқувчи-ёшларнинг давра суҳбатларидаги фаоллиги ҳамда мутахассислар томонидан берилган саволларига тўлиқ жавоб берганликлари барчамизни қувонтирди. Бу албатта уларнинг Ватанга, оилага бўлган меҳр-муҳаббатларининг яққол ифодасидир.

Саломатлик тадбирлари 17-19 январь кунлари Олтиариқ туманида ҳам ўтказилади.

**М. АКБАРОВ,**
**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Фарғона филиали директори.**

**(Давоми 4-бетда).**

Соғломлаштириш ҳафталиги

# ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

## баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил

### Қашқадарё вилояти

**Қашқадарё вилояти Нишон ва Муборак туманларида айни кунларда навбатдаги соғломлаштириш ҳафталигининг биринчи босқичи ўтказилаяпти.**

Соғломлаштириш ҳафталигини ташкил этиш ва ўтказиш учун вилоятнинг тажрибали мутахассисларидан иборат 30 та гуруҳ тузилди. Малакали мутахассислар томонидан Нишон ва Муборак туманларидаги тўртта мактаб, саккизта касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, еттита маҳалла қамровидаги фертиль ёшдаги аёлларни таклиф этган ҳолда "Соғлом она – соғлом бола", "Соғлом турмуш тарзи тамойиллари", "Гельминтоз касалликлари профилактикаси", "Тўғри ва рационал овқатланиш, микронутриентларнинг етишмовчилиги", "Сил касалликлари профилактикаси", "Тамаки ва алкоголь маҳсулотларининг зарарли оқибатлари", "Эрта ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳлар", "ОИВ/ОИТС профилактикаси", "Йод танқислиги ва камқонликнинг олдини олиш", "Жинсий йўл орқали юқадиган юқумли касалликлар", "ЎРВИ профилактикаси", "Ботулизм касаллиги ҳақида нима биласиз?" мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Мактаб ва коллеж ўқувчилари томонидан эрта никоҳлар ҳамда наркоманиянинг зарарли оқибатлари кенг ёритилган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, туман саломатлик маркази мутахассислари, фтизиатр, акушер-гинеколог, инфекционист, ДСЭНМ шифокорлари ҳамкорлигида икки юзга яқин мактаб, мактабгача тарбия муассасалари ва коллеж ўқувчилари, шунингдек 40 дан зиёд фертиль ёшдаги аёллар ўртасида грипп, вирусли гепатит ва сил касалликлари, репродуктив саломатлик хусусидаги билим савиясини аниқлашга йўналтирилган анкета-сўровномалари ташкил этилди. Бундан ташқари, барча ўрта махсус таълим муассасалари "Соғлом турмуш тарзи", "Репродуктив саломатлик" мавзуларидаги ахборот материаллари билан таъминланди.

Соғломлаштириш ҳафталиги давомида вилоят сил касалликлари диспансерининг "Проскан" аппаратида касалликни эрта аниқлаш мақсадида Муборак ва Нишон туманларидаги касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўсмир қизлар флюорографиядан ҳам ўтказилмоқда.

Вилоят она ва бола скрининг маркази мутахассислари томонидан ҳомиладор аёлларда текширувлар олиб борилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, соғломлаштириш ҳафталигида ўқувчи-ёшлар фаол иштирок этаётгани уларнинг соғлиғига бўлган эътибори ошганлигини кўрсата олди.

Соғломлаштириш ҳафталиги 19 январгача давом этади.

**Шоира НАБИЕВА,**
**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Қашқадарё вилоят филиали директори.**

### Жиззах вилояти

**Соғломлаштириш ҳафталиги доирасида Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида тиббиёт ходимларидан таркиб топган гуруҳлар томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар уюштирилмоқда.**

Жумладан, ўқув муассасалари, фуқаролар йиғинлари, корхона ва ташкилотларда бўлиб ўтаётган тадбирларда экстрагенитал касалликлар, сил, ОИТС каби хасталикларнинг олдини олиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айтиш жоизки, тарғибот гуруҳларига вилоят тиббиёт муассасаларидан тажрибали шифокорлар ҳамда жамоат ташкилотлари фаолларини жалб этилганлиги боис аксарият тадбирлар қизиқарли ўтмоқда.

Зарбдор туманидаги таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи хотин-қизлар иштирокида ташкил этилган тадбирда туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Нурматова, саломатлик маркази бўлим бошлиғи Муҳаррам Кенжаева, тиббиёт бирлашмаси бош инфекционисти Абдузуҳур Афандиев, ДСЭНМ бош шифокори Ваҳоб Ҳотамовлар саломатликни асраш мавзуларида чиқишлар қилишди.

*– Ҳафталик доирасида жисмоний фаолликни ошириш, рационал овқатланиш, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, меҳнат ва дам олишни режали ташкил этиш, муомала маданиятини кучайтириш каби мавзулар кенг муҳокама қилинмоқда,* – **дейди Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Жиззах филиали етакчи мутахассиси Дилбар Жамолова.** – *Маълумки, касалликларнинг йигирма фоизи экология таъсирида юзага келса, 18 фоизи ирсиятга боғлиқ. Соғлом турмуш тарзига риоя этган ҳолда инсон 55 фоиз касалликларнинг олдини олишга эришиши мумкин. Саломатлик масаласининг айнан шу жиҳатини аҳолига тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз.*

**Умрзоқ ҲАМДАМОВ.**

### Андижон вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи ва фармойиши асосида ўтказилаётган «Соғломлаштириш ҳафталиги» Андижон вилоятида ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.**

Унга жалб этилган тажрибали мутахассислардан Обиджон Қодиров, Дилмурод Исмонов, Юлдуз Қуддиева, Раъно Сатторова, Мавлудахон Ғафурова 14-16 январь кунлари ҳафталик давомида фаол иштирок этишди.

Булоқбоши туманининг Кулла, Жўраполвон ва Мойариқ қишлоқ врачлик пунктлари, саккизта маҳалла, 1-мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида ОИВ/ОИТС, сил, ботулизм, вирусли гепатит А, В, С, Д, Е касалликлари, репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзи бўйича аҳоли ва ўқувчилар орасида маъруза, давра суҳбатлари ташкил этилди, уларнинг билим саводхонлигини ошириш мақсадида анкета-сўровномалари ҳам ўтказилди.

Кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ишлари аҳоли, айниқса ёшларнинг саломатлигига бўлган эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, тадбирлар баҳс ва мунозараларга бой ўтмоқда. Ёшлар ўртасида ўтказилган анкета-сўровнома натижаларига қараганда эса, уларнинг тиббий билим даражаси, саломатлик ҳақидаги тушунчалари анча кенгайган.

*– Соғломлаштириш ҳафталигида Мойариқ ҚВП тажрибали мутахассислари чуқур тиббий-кўрик билан бирга, айрим ижтимоий касалликлар тўғрисида тўлиқ тушунча бериб ўтишди. Касалликлар ҳақидаги буклетлар, тарқатма материаллар ва турли кўринишдаги видеоролик намойишлари саломатлигимизга нисбатан эътиборлироқ бўлишга ундади. Икки кун ичида ҚВП ёшлар жамоаси билан тўлди. Демак, улар тарғибот-ташвиқот ишлари ниҳоятда муҳимлигини англаб етишган. Бизнинг мақсадимиз оналаримиз соғлом, фарзандларимиз маънан баркамол, руҳан тетик бўлишига эришиш экан, соғломлаштириш ҳафталиклари бир босқичда эмас, балки уч босқичда ўтказилаётганлиги кўзланган натижаларни беришига шубҳа йўқ,* – **деди Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Андижон вилоят филиали директори Рустам УБАЙДУЛЛАЕВ.**

### Наманган вилояти

*– Соғломлаштириш ҳафталиги жараёнида Наманган тумани педагогика коллежининг 127 нафар талабалари иштирокида давра суҳбати, семинар-тренинглар олиб борилди. Вилоят ДСНЭМ, силга қарши кураш диспансери, туман саломатлик марказининг малакали мутахассислари ОИТС, гиёҳвандлик, соғлом турмуш тарзи, юқумли касалликлар тўғрисида ўқувчи-ёшларга кенг маълумотлар бериб ўтишди.*

*Тақдимот жараёнида хавфли иллатларга оид видеороликлар намойиш этилди. Учрашувлардан хулоса чиқарган ёшлар ҳам касалликлар ҳақида билимга эга эканлигини намоён қила олишди. Саломатликнинг асосий мезони ҳисобланган соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз ҳисобланади, бу борада аҳоли орасида ташвиқот ишларини изчиллик билан олиб боришимиз зарур,* – **деди Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Наманган вилоят филиали директори Инобат Мусаева.**

*– Наманган вилоят Тепақўрғон педагогика ва сервис коллежида ўтказилган тадбирда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг барчаси фаол иштирок этди. Соҳа вакилларининг «Оила – муқаддас қўрғон», «Адашганлар қисмати», «Спорт ёшларни жиноятдан сақлайди», «Миллий қадриятлар ва ёшлар тарбияси», «Қариндошга қиз берманг» мавзулардаги чиқишлари ҳар бир ўқувчини теран фикрлаш ва мулоҳаза юритишга ундади. Ёшларимиз оилага бўлган муносабат, эрта турмуш қуриш оқибатлари, соғлом онадан соғлом фарзанд, қариндошлик ўртасидаги никоҳлар юзасидан мутахассисларга кўплаб саволлар беришди. Демак, ёшларимизда миллий қадриятларимизга бўлган ҳурматни кўра олдик,* – **деди коллежнинг хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Раҳмонова.**

Наманган тумани Тошбулоқ саноат ва хизмат кўрсатиш коллежининг 130 га яқин, Тўрақўрғон туманидаги 13-мактабдан 90 нафар, Тўрақўрғон қишлоқ хўжалиги механизациялаш ва электрлаштириш касб-ҳунар коллежининг юзга яқин ўқувчилари ўртасида ҳам кенг мавзулар доирасида давра суҳбатлари ўтказилди. Ҳар бир коллежда «Саломатлик бурчаклари» ташкил қилиниб, буклетлар тарқатилди.

### Тошкент шаҳри

**Пойтахтимиздаги Олмазор политехника коллежида «Соғломлаштириш ҳафталиги» очиқ дарслар сифатида ташкил этилди. "Жамият ва давлат барқарор ривожланишида инсон саломатлигининг аҳамияти", "Обод турмуш – соғлом турмуш", "Соғлом она – соғлом фарзанд" каби мавзулардаги дарсларни Тошкент тиббиёт академияси юқори босқич талаба ва магистрлари олиб борди.**

*– Коллеж ўқувчилари билан орамиздаги фарқ унча катта бўлмагани боисми, балки, мавзу интерфаол усулда тайёрланганлигиданми, биз тез мулоқотга киришиб кетдик,* – **деди Тошкент тиббиёт академияси магистранти З. Абдуллаев.** – *Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув даврида кўплаб долзарб масалалар қаторида соғлом жамият масаласи ҳам устувор ҳисобланади. Бу борада биринчи навбатда ҳар бир инсон ўз саломатлигига масъулиятли эканлигини англаб етиши, тиббий саводхонлигини ошириб бориши муҳим аҳамият касб этади. Зарурат туғилганда, албатта, шифокор биринчи ёрдамни кўрсатиши керак. Аммо гап соғлом турмуш ҳақида борганда, нафақат оиламизда, балки атрофимиздаги айрим воқеликларга ҳам бефарқ бўлмаслигимиз, бундан айниқса балоғатга етмаган, онги шаклланиб улгурмаган ўғил-қизларни ҳимоя қилишимиз лозим. Бўлажак шифокор сифатида шу кунгача орттирган билим ва кўникмаларимни ўқувчилар билан ўртоқлашганимдан хурсандман. Аслида бизларга кўп саволлар йўлланган бўлсада, ўз навбатида саволларимизга коллеж ўқувчилари ҳозиржавоб бўлганлари мени ҳайратга солди десам, адашмайман. Ёшларимиз тиббиётга оид кўп нарсадан хабардор экан, бу яхши, албатта. Демоқчиманки, очиқ дарс бўладими ёки давра суҳбатлари, ўқув муассаласаларида турли мавзудаги мулоқотлар тез-тез ўтказиб турилса, ўғил-қизларнинг қизиқиши, мойиллигига қараб, дунёқараши қандай шаклланаётганлигини кузатиш ва ўзига яраша хулосалар қилиш мумкин.*

Олмазор политехника коллежи ўқувчиларининг, дарҳақиқат, қизиқишлари танлаган бўлажак касблари билан бевосита боғлиқдир. 2006 йилда тубдан реконструкция ишлари амалга оширилгандан сўнг бу ерда геология-қидирув, бурғулаш, нефть ва газ қудуқларини синаш бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш учун барча амалиёт лабораториялари ҳам ташкил этилди. Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, спортга бўлган ихлосларидан келиб чиққан ҳолда йирик спорт мажмуаси ҳам фойдаланишга топширилди. Ўтган вақт ичида коллеждан турли спорт йўналишлари бўйича шаҳар ва республика чемпионлари етишиб чиқди. Иккинчи босқич ўқувчиси Ҳумоюн Қодиров эса миллионлар ўйинида қитъа ғолиби бўлиб, коллеж фахрига айланди.

*– Болаларни спортга чиниқтириш масаласига коллежда алоҳида эътибор қаратилаётгани шундай ғурурланадиган ютуқларда ўз самарасини бермоқда, шу билан бирга фарзандларимизнинг саломатлигида ҳам яққол намоён бўлаётир,* – **деди коллеж шифокори Дилдора Азизова.** – *Жумладан, ўтган йил якунида ташкил этилган тиббий кўрик натижаларига кўра ўқувчиларимизда балоғат ёшига ўтиш даврида кузатилиши мумкин бўлган айрим хасталиклар олдини олиш бир қадар енгил кечди. Бу эса мунтазам жисмоний машқлар бажариб турилиши, спорт билан шуғулланиш саломатликка қанчалик ижобий таъсир кўрсатаётгандан далолат беради.*

Соғломлаштириш ҳафталиги "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси қамровидаги бошқа ўқув юртларида ҳам фаолик билан ўтмоқда.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**

(Давоми. Боши 1-3-бетларда).

*Қарор ва ижро*

# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ ЎРНИ

***Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ёшлар тарбияси, хусусан, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айни пайтда биз учун ҳамма вақт долзарб бўлиб келаётган яна бир муҳим йўналиш борки, у бевосита инсоннинг қалби ва онгини ўзгартириш билан боғлиқ. Бу – маънавиятдир. Маънавият ва маърифат масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 451-сонли қарорининг қабул қилиниши амалдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.***

Инсон маънавиятини юксалтириш деганда, айниқса ёшлар қалби ва онгини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигида шакллантириш, уларни замонавий билим ва ҳунарларни эгаллаган, ҳар томонлама ақлли, жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш масалалари муҳим ўрин тутаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўтган йиллар давомида фарзандларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлашга доир мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилди. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилди, таълимнинг барча босқичларида маънавият ва маърифат асосларини ўргатадиган, ўғил-қизларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар, оммавий рисолалар нашр қилинди, бошқа турли тарғибот воситалари жорий этилди, педагог-кадрлар тайёрланди.

Айни пайтда Президентимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни давом эттириш ҳамда янги босқичга кўтариш масалага катта аҳамият берилмоқда.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган фарзандларимиз 11 миллион 720 минг нафардан зиёд, яъни аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача эса – 17 миллион 547 минг нафар (60 фоиз)ни ташкил этмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолининг аксарият қисмини ташкил этаётган ёшларимизнинг ҳали ечилмаган муаммоларига эътиборни кучайтириш, ўсиб келаётган авлодни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масалалари жамоатчиликнинг доимо диққат марказида бўлиши шарт.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда бу борада давлат томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат амалий натижаларни бермоқда. Бунга биз ҳар қадамда гувоҳ бўлишимиз мумкин. Замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, барча қулайликларга эга бўлган спорт иншоотлари, ёшлар марказлари фарзандларимиз манфаатлари йўлида, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етишига хизмат қилмоқда. Чунончи, мактаблар кесимида "Умид ниҳоллари", коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида "Баркамол авлод", талабаларнинг "Универсиада" мусобақалари фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида жаҳон андозалари даражасида бунёд этилган "Бунёдкор" спорт мажмуаси топширилиши ҳам Юртбошимизнинг ёшларга оталарча қилаётган ғамхўрликларининг юксак намунасидир.

Ана шундай имкониятлар асносида ўғил-қизларимиз таълим, илм-фан, санъат ва адабиёт, спорт соҳасида қувончли натижаларни қўлга киритмоқда. Бундан англаш қийинмаски, ёшларимиз истеъдод ва қобилиятини намоён этган ҳолда мустақиллик солномасини яратишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, баркамол инсон тарбиясида кўп омил ва мезонлар бўлсада, аммо маънавий омиллар ўта муҳим ўрин тутади. Юртбошимиз ёш авлод ҳақида гапирганда, маънавият масаласини алоҳида тилга олишлари бежиз эмас, албатта. Зеро бугунги мураккаб замонда жамиятда маънавий комил инсонни тарбияламасдан, эзгу мақсадларга эришиб бўлмайди.

Ўтмишга назар солсак, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийдек буюк алломаларимизнинг ўгитлари ёшларимиз юксак маънавиятли бўлишига ундаётганини кўрамиз.



Дарҳақиқат, маънавият – бу инсон қалби ҳамда онгидаги туйғу ва тушунчалар, унинг дунёқараши ва эътиқоди, халқи ва Ватанига муҳаббатидир, ёшларимизнинг қандай буюк аждодлар авлоди эканини чуқур англаган ҳолда ҳар қандай шароитда ҳам ота-боболари шаъну шавкатига муносиб бўлиб яшаши демакдир. Бинобарин, ёшларимиз юксак маънавиятли бўлиши учун уларни эзгулик руҳида тарбиялашимиз лозим.

Маънавият қирралари кўп бўлгани каби, тарбиянинг ҳам шакл-тамойиллари кенг. Ранг-баранг туйғу ва тушунчалар, ҳар хил жозибадор ғоя ва мафкуралар оламида вояга етаётган ёшлар турли таъсирлар домига тез тушиши мумкин. Уларнинг маънавияти ҳам шунга яраша шаклланади. Бундай вазият фарзандларимиз маънавий дунёсини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва шу асосда пухта иш олиб боришни тақозо этади.

Халқимизда "сув бўлмаган жойда қамиш ўсмайди", деган ҳикматли гап бор. Дарҳақиқат, қамишни ўриб ташласангиз ҳам, ёқиб юборсангиз ҳам, барибир ўсиб чиқаверади. Уни йўқ қилишнинг ягона чораси мавжудлигини таъминлайдиган сувни қуритиш, ўсиш муҳитини йўқотишдир. Шу тамойилга кўра, тараққиёт жараёнларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ғояларнинг кириб келиши ва илдиз отишига имконият бермаслик муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз таъбирлари билан айтганда, бунинг учун фарзандларимизни табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, имон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим.

Бугунги глобаллашув даврида ёшлар онгини эгаллаш учун мисли кўрилмаган даражада кураш бормоқда. Бундай хуруж турли жабҳаларда, шу жумладан ахборот соҳасида намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ахборот оқими кириб бормаган биронбир манзилни топиш қийин, ҳатто дунёнинг энг чекка жойларига ҳам телерадио тўлқинлари, телефон алоқаси етиб борган. Қисқа қилиб айтганда, қаердаки энергия манбаи бўлса, у ерда ахборот бор. Аммо ахборотнинг ҳаммаси ҳам фойдали бўла олмайди. Айниқса шафқатсиз манфаатлар кураши бораётган бир пайтда ҳар қайси куч ўзига маъқул бўлган, фойда келтирадиган ахборотни тарқатиш ва шунинг орқасидан фойда кўришга интилади.

Бугунги кунда телерадиоканаллар, матбуот нашрларини кузатсангиз ёки интернет "чангалзорлари" бўйлаб "саёҳат" қилсангиз, ҳеч шубҳасиз, фойдали ахборотлардан кўра, зарарлиларига кўпроқ дуч келасиз. Хаётий тажрибага ҳали эга бўлмаган ёшлар эса бу ахборотни реал ҳақиқат сифатида қабул қилиши, ёлғон ва уйдирма гапларга алданиб қолиши мумкин. Шу тариқа уларнинг ҳаёти арзимаган бир ахборот туфайли бутунлай номаъқул томонга бурилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёшларимизда ахборот иммунитетини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай иммунитетни шакллантиришда оила, маҳалла, мактаб ва институтларнинг аҳамияти беқиёс. Бошқача айтганда, ёш авлод вакиллари болалигидан нима фойдалию нима зарарли, ёлғон нимаю ҳақиқат нима эканини яхши англаб олиши лозим.

"Оммавий маданият" номи билан индустриал асосда ишлаб чиқилаётган "санъат" намуналари ҳам ёшларимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Аслида ғаразли мақсадларни кўзлайдиган айрим гуруҳларнинг бойишига хизмат қиладиган, миллий қадриятларимизга мутлақо зид бундай маҳсулотлар инсонни ҳаётдан йироқлаштиради, руҳан қашшоқ ва муте жонзотга айлантириб қўяди. Бундай "асар"ларда беҳаёлик, зўравонлик, ур-йиқит, фирибгарлик, гиёҳвандлик, майхўрлик каби иллатлар зимдан тарғиб қилинади, «ҳаёт маъноси шундан иборат», деган зарарли ғоя томчи-томчи тарзида ёшлар қалбига сингдирилади.

Оммавий маданият уйингиз, шаҳар ва қишлоғингиздаги кўпдан-кўп ахборот тармоқлари орқали сиздан рухсат сўрамасдан кириб келаверади. Биргина реклама роликлари орқали тарғиб этиладиган маданият ёки турмуш тарзи намуналарини олинг. Улар орқали гўёки эҳтиёж учун зарур оддий бир матоҳ тарғиб қилинаётгандек кўринсада, унинг замирида бизнинг миллий ахлоқимизга тўғри келмайдиган нимадир яширинган бўлади. Ана шу номсиз нимадир бориб-бориб, турмуш тарзи тамойилларини белгилайдиган кучга айланиш учун даъвогарлик қилади, бизнинг қалбимиздан миллий ўзлик туйғуси, Ватан ҳиссини сиқиб чиқармоқчи бўлади.

"Оммавий маданият"га қарши курашишнинг энг самарали йўли йигит-қизларимизни ёшлигидан бошлаб юксак маданий савия, дид ва фаросат эгаси, мустақил фикрлайдиган, маърифатли қилиб тарбиялашдан иборатдир.

**Насиба АКРАМОВА,**
**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти услубиятчи врачи.**

*(Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмагида тайёрланди).*

*Ижтимоий ҳимоя*

## ТИББИЙ ЁРДАМ САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

***Беморларни даволаш ва назорат қилиш орқали ногиронликни камайтириш масалалари кун тартибида асосий ҳисобланади. Бизнинг жамоада ушбу йўналишда ижобий натижаларга эришилмоқда.***

Республикамизнинг тиббий-меҳнат эксперт соҳасига оид ҳужжат ва қарорлари, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг тегишли меъёрий ҳужжатлари мазмун-моҳиятини ўрганиш мақсадида туман шифохона ва поликлиникалари шифокорлари иштирокида мунтазам равишда ўқув-амалий семинарлар ўтказилади.

Нукус шаҳридаги минтақавий реабилитация марказида ногиронлар тиббий-ижтимоий, касбий реабилитация қилиниши, даволашнинг янги усуллари қўлланилиши, бу борада замонавий тиббий аппаратуралар мавжудлиги, ижара шохобчалари ҳам ташкил этилгани, юқори малакали мутахассислар билан таъминлангани ижобий натижалар бермоқда. Жумладан, ўтган вақт оралиғида 450 нафарга яқин жисмоний имконияти чекланганлар реабилитация жараёнидан ўтказилди.

Ҳар бир фаолият изчиллик билан олиб борилиши, албатта, самарадорлик ошишида муҳим аҳамият касб этади.

**Баҳодир АТАБАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси 9-фтизиатрия тиббий меҳнат эксперт комиссияси раиси.**

## ДАВОСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

***Соғлом турмуш тарзи. Бу тартибли овқатланиш, шахсий гигиена қоидалари, тозаликка риоя этиш, меъёрида ухлаш, спорт билан мунтазам шуғулланиш, иш фаолиятини тартибли йўлга қўйиш, умуман, инсон саломатлиги учун лозим барча талабларни бажариш демакдир.***

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, ёшларимиз баркамол бўлиб вояга етишини таъминлаш энг устувор вазифалардан бири саналади. Шу мақсадда жойларда янги шифо масканлари қуриляпти, мавжудлари таъмирланиб, замонавий ускунлар билан жиҳозланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сил касаллигининг олдини олиш ва у билан оғриш ҳолларини камайтиришга доир Давлат дастури ижроси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Эндиликда замонавий ускуналар билан жиҳозланган шифо масканимизда бу хасталикнинг белгиларини эрта аниқлаш ва ўз вақтида тегишли даво чораларини кўриш имконияти туғилди.

Албатта, фақат тиббиёт ютуқлари билан касалликни бартараф этиб бўлмайди. Шуни инобатга олган ҳолда аҳоли яшаш масканларида тарғибот-ташвиқот ва тиббий кўрик ишлари йўлга қўйилмоқда. Бунда асосий эътибор оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, фуқароларни хасталикнинг аломат ва асоратларидан бохабар этишга қаратилаётир. Чунки сил аксар ҳолларда ўз саломатлигига лоқайд қараш, бетартиб ҳаёт кечириш оқибатида келиб чиқади.

Муҳими бу дарднинг олдини олса бўлади. Бунинг учун энг аввало соғлом турмуш тарзига риоя этиш лозим.

**Акбар НОРБОЕВ,**
**Қашқадарё вилоятлараро 38-тиббий меҳнат эксперт комиссияси раиси.**

Научные изыскания

# НИИ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ:
# НОВОЕ ПОКОЛЕНИЕ ВЫБИРАЕТ НАУКУ

***Последний раз здесь я была почти год назад, чтобы получить квалифицированную консультацию у специалиста по травме близкого мне человека. В поисках рекомендованного мне врача тогда даже пришлось участвовать на утренней планерке. И, конечно, по профессиональной привычке, я небезразлична была к отчетам врачей, их обсуждениям предстоящих процедур. Тем не менее необходимую помощь мы тоже получили.***

А вот нынешнее посещение НИИ травматологии и ортопедии было связано с заданием редакции написать о перспективных молодых специалистах этого ведущего медицинского учреждения республики. Наверное, уже по традиции, рабочий день вновь начался с планерки. Все собрались в зале



заседаний. Незаметно и я пробралась в дальний угол. Внимание аудитории было устремлено на трибуну. Молодой врач четко отвечал на все вопросы руководства института. Но вот мне лишь моментами удавалось ловить знакомые слова, вернее, связки слов – is, from, of, in, and – и ничего более... Да, диалог шел на английском. Может, подумала я, здесь присутствуют иностранные гости? Но это же чисто рабочее заседание. Почему наши врачи, хотя и затрудняются, но стараются даже между собой общаться на английском? В этот момент моему удивлению не было предела.

**Все прояснилось в ходе нашей беседы с директором НИИ травматологии и ортопедии Мирхакимом Жавхаровичем Азизовым.**

*– В эти дни все, кто приходит к нам, удивляются и задают один и тот же вопрос – почему? Теперь все наши заседания, рабочие пятиминутки, планерки будут проходить на английском,* – не без улыбки, но на полном серьезе стал разъяснять Мирхаким Жавхарович. *– Вот уже вторая неделя, как мы все занимаемся изучением и одновременно практическим применением иностранного языка. Пользуясь возможностью, хочу поблагодарить коллектив за поддержку моей инициативы. Особенно рад тому, что у большинства молодых кадров на этот счет нет проблем. Более того, именно они оказывают нам, старшему поколению, помощь в правописании, произношении... Да, нелегко, но это нужно всем нам, хотя, признаюсь, начинать надо было уже давно. Тем не менее создаем необходимые удобства. Во все компьютеры уже заложена языковая программа. Вечером здесь же, в стенах института, работают курсы английского. И еще добавлю: мы готовы рассмотреть любое предложение касательно изучения языков. Что же касается идеи, она зрела уже давно, толчком же послужили рекомендации нашего Президента молодым специалистам в ходе знакомства с отреконструированным комплексом кардиохирургии в Ташкенте. Высокотехнологичное оборудование требует соответствующей квалификации, навыков. Специалисты, в частности, нашего института владеют всеми способами лечения травматических и ортопедических заболеваний. И нет, думаю, особой надобности отдельным категориям больных выезжать за пределы республики. Но сегодня недостаточно лишь разовое освоение современных методов лечения и диагностики. Этот процесс необратим, каждый день диктует нам что-то новое. Чтобы шагать в ногу со временем, надо быть в курсе всех событий, происходящих перемен в науке и практике, обогащать свои знания, обмениваться опытом с коллегами из других стран. А здесь, действительно, на первый план выходит знание языка, и в первую очередь английского, на котором в основном идет мировой диалог, в частности, и в области медицины.*

**Кандидата медицинских наук Хусниддина Нуралиева мы застали за компьютером.** Перед ним лежала свежая распечатка статьи американского специалиста о новых методах лечения позвоночных заболеваний, тут же – первые рукописи перевода. Набирая слова на английском, Хусниддин задавал старт переводчику. И так, оказывается, каждый день в обеденный перерыв он по полчаса "пропадает" в Интернете.

*– Занимаясь переводом, каждый раз вспоминаю пословицу, что все новое – это хорошо забытое старое... Действительно, база-то есть. Вот и стараемся наверстывать упущенное,* – как бы догадываясь о нашем вопросе, вступает в беседу Хуснидин. *– Язык медицины ведь основан на латинице, поэтому усвоение идет легко. Общепринятые термины знакомы всем. Нужно только немного поусердствовать. Благо, мои дети Фатима, Зухра и Тахир знают английский, теперь и они помогают папе. Знаете, за последние годы в нашей медицине произошел огромный прорыв. И все благодаря внедрению современных методов. В институте работаю с 1995 года. В первые годы в неделю делали 10-15 операций. Сейчас этот показатель в несколько раз возрос. Не будем скрывать, травмы увеличились. Но прежде всего улучшились методы диагностики заболеваний. Во стократ повысилась квалификация врачей, значит, растет доверие людей к нашим специалистам. Расширяется сотрудничество с ведущими клиниками многих страны. Так, отделение патологии позвоночника НИИ травматологии и ортопедии с 2001 года поддерживает тесные связи с родственным научно-практическим центром города Новосибирска. Профессор этого ведущего медицинского учреждения России Александр Симонович не раз проводил мастер-классы в клинике нашего института с использованием современных имплантантов. Кстати, НИИ травматологии и ортопедии имеет восемь патентов на изобретение имплантантов, применяемых при лечении позвоночных патологий. С внедрением их в серийное производство у нас будет возможность значительно сократить валютные средства. Хочу сказать, что процесс импортозамещения сегодня охватил и здравоохранение. И это, считаю, один из значительных успехов в сфере.*



Хусниддин Нуралиев уже сейчас готовится к предстоящим в середине года международным научно-практическим конференциям в Индии и Китае. Знакомясь со статьями ведущих хирургов США и Европы, он также собирает аналитический материал касательно ортопедических аспектов остеохондроза позвоночника. В принципе, эту тему старший научный сотрудник Хусниддин Нуралиев широко осветил в докторской диссертации, которая в скором времени будет представлена на защиту. Новые материалы же его интересуют для будущих изысканий.

**К защите докторской готовится еще один молодой специалист института, научный руководитель отделения спортивной травмы Муроджон Ирисметов.** По его словам, в кандидатской были озвучены изыскания в целом по комплексу заболеваний коленного сустава. А вот докторская, как нам показалось, охватывает более узкую тему – "Разгибательная контрактура коленного сустава".

*– Работа со спортсменами, получающими травмы в различных областях тела, подтолкнула меня к выбору этой темы,* – рассказывает Муроджон Ирисметов. *– Не многие, наверное, знают о том, через какие сложные лечебные процедуры проходят спортсмены, не исключение и именитые. Наше отделение шефствует над спортменами, занимающимися*



*художественной и спортивной гимнастикой, велоспортом, трамполином. Есть и футболисты, боксеры, борцы... Сегодня методы лечения намного облегчены, артроскопические операции не сопровождаются долгой реабилитацией. Накладывается всего лишь два шва, практически отказались от гипса, поскольку нет контрактуры, достаточно определенное время носить плотную повязку. Больные выписываются уже на пятый день. Вот таким образом накопленный за последние годы опыт и стал основой моей докторской диссертации. Опубликовано более 15 научных статей в специальных изданиях Чехии, России, Украины, других стран. Наше отделение в прошлом году получило четыре патента по собственным изысканиям. Этим новшествам были посвящены доклады на международных симпозиумах в Объединенных Арабских Эмиратах, Польше, Украине. В апреле и июне этого года мы приглашены в Киев и Севастополь на международные конференции, посвященные актуальным проблемам ортопедических и травматических заболеваний у спортсменов. У нас есть, чем поделиться с зарубежными коллегами. Вместе с Алишером Халиковым, Хамдамом Раджабовым, Курбаном Раджабовым и Бекпулатом Бакиевым – моими учениками, которые в настоящее время почти уже завершают кандидатские исследования, готовим также выступления к предстоящему в мае девятому съезду артроскопистов России с международным участием.*

**С Ильхомом Хужаназаровым, которого в НИИ называют без пяти минут доктором медицины, мы встретились сразу после операции, длившейся шесть часов.** Он ассистировал известному российскому хирургу в области заболеваний позвоночника Сергею Виссарионову. Оперировали искривление позвоночника у девочки подросткового возраста. В народе такую болезнь называют "горбатость", встречается и у мальчиков, и у девочек, бывают врожденные и приобретенные формы. Хирургическая практика лечения сколиоза в нашей стране осуществляется давно. Но вот на врожденных патологиях опыт лечения еще нарабатывается. Нередко к участию в подобных операциях приглашаются известные специалисты из других стран. Воспользовавшись возможностью, первый вопрос –поделиться впечатлениями о совместной операции – мы адресовали гостю.

*– С Ильхомом не первый раз встречаюсь у операционного стола, можно сказать, мы стали почти как родные. Как всегда, могу только похвалить своего ученика. Молодец, он хороший ассистент,* – **сказал российский ученый.** *– Наблюдал за ним и когда вел операцию у нас, в клинике. С 2007 года он не раз проходил стажировку в Санкт-Петербургском научно-изыскательском институте детской ортопедии имени Г. Турнера. У него еще много невостребованного потенциала. За такими специалистами, как Ильхом, грядет большое будущее. Операция по исправлению врожденных патологий позвоночника – одна из нелегких, длится иногда даже больше пяти-шести часов. Нам предстоит еще провести три подобных операции, и надеюсь, они также будут успешными. Конечно, самое главное, что в НИИ травматологии и ортопедии есть все необходимые условия для диагностики и правильного лечения таких заболеваний. Безусловно, опыт много значит. Мне импонирует целеустремленность ваших специалистов. Несмотря на молодые годы, Ильхом уже скоро будет доктором, сумел воспитать несколько последователей, которых я успел испытать в процессе операции. У них, уверен, тоже хорошая перспектива.*

Конечно, было приятно слышать столь высокое признание заслуг наших молодых специалистов от известного ученого, удостоенного в прошлом году звания лучшего врача своей страны. И здесь, думается, не будет лишним добавить еще один важный момент в стремительном профессиональном росте

**(Окончание на 7-стр.)**

Научные изыскания

# НИИ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ: НОВОЕ ПОКОЛЕНИЕ ВЫБИРАЕТ НАУКУ

**(Окончание. Начало на 6-й стр.)**

Ильхома Хужаназарова. В 2009 году он стал обладателем совместного гранта фонда "Истеъдод" и Университета Пенсильвании (США). В течение года Ильхом стажировался в дивизионе ортопедической хирургии этого университета. Тема его докторской – это плод изысканий, проведенных им в клиниках США, России, а также родном НИИ травматологии и ортопедии.

**А вот научную деятельность Ифтихора Кадырова можно назвать династийной.** Его отец Мурoджон Кадыров, доктор медицинских наук, долгое время проработал в клинике НИИ травматологии и ортопедии. Его богатый опыт по праву перенял сын Ифтихор, который еще со школьной скамьи часто вместе с отцом пропадал в медицинской библиотеке, помогал переводить с английского научные публикации. Вот так детская увлеченность переросла у Ифтихора в профессию. Сегодня он в совершенстве владеет английским и испанским. После окончания Ташкентской медицинской академии в 2008 году поступил в аспирантуру НИИ травматологии и ортопедии и досрочно – за один год и одиннадцать месяцев успешно защитил кандидатскую. Сейчас работает старшим научным сотрудником, одновременно руководит организационно-методическим отделением института. Близится и защита докторской по теме лечения плоскостопия. Эта болезнь, как разъяснил Ифтихор, распространена во всем мире. Раньше хирургическое лечение этой болезни протекало с дроблением костной системы конечностей. В Европе уже практикуются малоинвазивные операции путем вставления небольшого имплантанта. Для изучения современного метода лечения плоскостопия Ифтихор стажировался с клиниках Швейцарии, России, других стран. С использованием современного оборудования для диагностирования плоскостопия – компьютерного подометра сейчас при НИИ травматологии и ортопедии действует специальный кабинет, куда обращаются десятки людей – взрослые и дети с заболеваниями нижних конечностей.

– *С помощью этого аппарата можно проследить деформации в различных частях ног и путем диагностирования определить процесс лечения. Хорошо известно, что плоскостопие чаще встречается у юношей допризывного возраста. Широкое внедрение современных методов лечения будет способствовать снятию с повестки дня столь актуальной проблемы,* – **отметил Ифтихор.**

**В недалеком будущем, как подчеркнул директор НИИ М. Азизов,** институт, возможно, расширит свои подразделения за счет нового отделения по лечению плоскостопия. Нас порадовало и то, что Хусниддин Нуралиев, Муроджон Ирисметов, Ильхом Хужаназаров, Ифтихор Кадыров являются активистами Кенгаша молодых ученых, действующего при НИИ уже двадцатый год. По словам руководителя Кенгаша, **молодого ученого с научным статусом профессора Искандара Ходжанова,** в членство принимаются также все магистры, проходящие практику в институте. Им доверяется организация еженедельных презентаций отделений НИИ, раз в месяц на заседаниях кенгаша обсуждаются актуальные проблемы ортопедии и травматологии в международном масштабе. Соответственно темы выступлений основываются на различных зарубежных источниках. Вот так будущие специалисты усваивают практические и научные навыки. Именно на кенгаше происходит отбор тем будущих диссертационных работ. Кстати, за последние годы учеными института издано восемь монографий, более ста брошюр и методических рекомендаций, опубликовано около четырехсот статей в различных зарубежных изданиях, получено более 80 патентов на изобретения и полезные модели, 27 государственных грантов, здесь подготовлены шесть докторов и 36 кандидатов наук, трое удостоены высоких государственных наград. В этом году, судя по комментариям наших собеседников, ряды научных кадров пополнятся еще десятью докторами и кандидатами. Кроме того, ожидается укрепление материально-технической базы почти всех отделений за счет оснащения новыми рентген-аппаратами, компьютерными томографами, коагуляторами, другим оборудованием современных модификаций. Так что, действительно, как отметил российский ученый, в НИИ травматологии и ортопедии в скором времени грядут хорошие перемены. И в том, несомненно, будет большая заслуга специалистов нового времени, которые превыше всего ставят параллельное освоение науки и практики.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**
**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

Долзарб мавзу

# МАЖБУРИЙ ДАВОЛАШ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

***Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётганислоҳотлар натижасида соҳанинг миллий модели вужудга келди. Бу, ўз навбатида, тиббий хизмат сифати юқорилаши, аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари ошиши, турмушимиз янада яхшиланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу маънода тизимда мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асос ҳам шаклланди, тиббий хизмат кўрсатишнинг яхлит ташкилий тузилмаси яратилди.***

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида "Силнинг олдини олиш ва уни даволашга доир қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилиниши ҳам аҳамиятга моликдир. Ушбу қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти, кўзда тутилаётган ўзгаришлардан бохабар бўлиш мақсадида қуйи палата депутати Султон Жўраев билан суҳбатда бўлдик.***

**– Маълумки, бугунги кунда сил касаллигига қарши курашиш бутун дунёда тиббий-ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Сизнингча, ушбу қонун лойиҳаси мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва касалликнинг олдини олиш борасида қандай муҳим аҳамият касб этади?**

– Албатта, ушбу хасталикка қарши курашиш бугун кенг жамоатчиликнинг олдида турган долзарб вазифага айланмоқда. Хусусан, 2001 йил 11 майда "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ушбу касалликнинг олдини олиш ва даволаш каби муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Фаолият кўламини янада кенгайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллигини камайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан бугун жойларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги чора-тадбирлар, ижтимоий аҳамиятга эга кўплаб лойиҳалар беморлар саломатлигини яхшилаш ва касалликни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш имкониятини оширмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, 2009 йилда сил касаллигига чалинган 9,4 миллион киши аниқланган бўлса, шундан 1,6 миллиони оламдан ўтган. Айни пайтда мамлакатимизда сил бўйича эпидемиологик кўрсаткичлар Марказий Осиё ва МДҲ давлатларига нисбатан 1,5 марта кам бўлишига қарамай, силга қарши курашиш хизматлари билан боғлиқ муаммолар ҳамон учраб турибди. Муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш Фуқаролик-процессуал кодекси ҳамда "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этмоқда. Албатта, қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар беморлар ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий муҳофаза қилинишини кучайтириш, хавфли касаллик билан курашишда халқаро ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан яқин ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришни қамраб олади.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, ҳозирги вақтда соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, соҳага юқори малакали тиббий кадрларни тайёрлаш ва улар меҳнатини моддий рағбатлантириш бўйича бутунлай янгича тизим ташкил этилди. Бу ишларнинг амалдаги ифодасини 2011 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар юзасидан ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, бу борада сифат ўзгаришлари таъминланишига доир парламент эшитуви мисолида ҳам кўриш мумкин.

"Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш аҳволи, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари" мавзусидаги Ўзбекистон Републикаси Бош вазири ўринбосарининг ҳисоботидан келиб чиқиб қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорида ҳукумат олдига сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан вазифалар қўйилган эди. Бу, ўз навбатида, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш йўлидаги қонун ҳужжатлари мустаҳкамланишига туртки бўлди.

**– Билишимизча, кун тартибидаги қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси ҳамда "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу борада зарурат юзага келишида қандай омиллар асос бўлмоқда?**

– Йиллар ўтгани сайин қонун ҳужжатлари ҳам такомиллашиб боради, айримларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилади. Давр шиддат билан ривожланиши, инсонлар онги ва тафаккури ўсиши бу жараёнда тезроқ фаоллашади. Табиийки, амалдаги қонунчилик асосини янада бойитиш ва имкониятларини кенгайтириш заруратизи юзага келиб, асосий эътибор инсон манфаатлари, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилади.

Юқорида тилга олинган қонун қабул қилинганидан буён ўтган ўн йил давомида, биринчидан, сил касаллигининг эпидемиологияси ва клиник кўринишларида кескин ўзгаришлар намоён бўлди. Сил таёқчасининг унга қарши дориларга турғунлиги жиддий хавф туғдирмоқда. Бундай беморларни даволаш самарадорлиги ҳам паст. Айтиш жоизки, силнинг резистент турлари ва бу касалликнинг ОИТС билан бирга кечиш эҳтимоли сезилмоқда.

Иккинчидан, ушбу касаллик биринчи марта аниқланган беморларнинг 12 фоизи ўзбошимчалик билан даволанишни тўхтатиб қўйгани аниқланган. Агарда уларда мажбурий даволаш тартиби ўтказилмаса, жамият ҳаётига катта зарар келтирадиган эпидемиологик хавф юзага келиши мумкин.

Хорижий тажриба шуни кўрсатдики, аксарият давлатларда сил бўйича санитар-эпидемиологик режимни бузган ёки атайин даволанишдан бош тортувчилар суд қарорига асосан махсус муассасаларга жойлаштирилади.

Учинчидан, амалдаги қонунда силга қарши стационарда мажбурий даволанадиган беморлар ҳуқуқларини тартибга солувчи меъёрлар ўз аксини топмаган.

Қайд этилган сабаблар чуқур ўрганилган ҳолда Фуқаролик-процессуал кодекси "Силга қарши муассасанинг ихтисослаштирилган бўлимига мажбурий тартибда ётқизиш" номли $33^2$-боб билан тўлдирилмоқда. Ушбу бобда силга қарши муассасанинг ихтисослаштирилган бўлимига мажбурий тартибда ётқизиш ёки даволаниш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этиш тартиби, аризани кўриб чиқиш каби масалаларни ҳал этиш назарда тутилмоқда.

«Аҳолини силдан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳам янги мазмундаги $9^1$ ва $9^2$-моддалар, яъни силнинг юқумли шакллари билан касалланган беморларни мажбурий даволаш тартиблари ва муддатлари билан тўлдирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, айни кунда Қонунчилик палатаси депутатлари ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш устида ишламоқда. Ишонамизки, келажакда бу қонун лойиҳаси қабул қилиниши сил касаллиги бўйича эпидемиологик ҳолат яхшиланиши, унга қарши курашиш самарадорлиги янада оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

**Суҳбатни Намоз ТОЛИПОВ олиб борди.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

Сўраган эдингиз

# ТАВСИЯНОМА – МУҲИМ ИМТИЁЗ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати тегишли қарор қабул қилиб, бунга мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Мазкур муҳим ҳужжат, унга киритилган янгиликлар хусусида газетхонларимизга кенгроқ маълумот бериш мақсадида Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси масъул ходими, подполковник А. Аҳмедов қуйидагиларни сўзлаб берди:***

– Маълумки, тавсияномалар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга эришган, зарур билим даражасига ва намунали ҳарбий интизомга эга муносиб ҳарбий хизматчиларга ҳарбий қисм командирлари томонидан берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади.

“Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ муддатли ҳарбий хизматчига тавсиянома бериш тўғрисидаги қарор ҳарбий қисм командири томонидан ушбу ҳарбий хизматчининг бевосита командирлари тақдим этган тақдимнома ва муддатли ҳарбий хизматчиларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорга асосан қабул қилинади. Бунда, муддатли ҳарбий хизматчининг хизмат давридаги ҳарбий интизоми, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик давомида эришган натижалари ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик дастурларининг ўзлаштирилишига оид якуний баҳоларни аниқлаш мақсадида ўтказилган тест синовларининг натижалари инобатга олинади.

Ҳар бир ҳарбий қисмда ҳарбий интизом ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик дастурлари ўзлаштириб борилиши ҳолатининг ҳисоби юритиб борилиши шарт. Барча тоифадаги командирлар муддатли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат давридаги намунали ҳарбий интизоми, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлиги бўйича натижаларини холисона баҳолаб бориш учун шахсан жавобгар бўлади.

**БАЛЛ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ**

Муддатли ҳарбий хизматчига ҳарбий интизом, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик натижалари бўйича баллар қўйиш бутун хизмат даври давомида амалга оширилади.

Агар муддатли ҳарбий хизматчи намунали ҳарбий интизоми учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низомида назарда тутилган тартибда рағбатлантирилган (муқаддам берилган интизомий таъсир чорасининг бекор қилиниши бундан мустасно) бўлса, унга қуйидаги тартибда баллар қўйиб борилади:

*ҳарбий қисм командири томонидан рағбатлантирилган бўлса – 5 балл;*

*ҳарбий округ қўшинлари қўмондони (бирлашма командири) томонидан рағбатлантирилган бўлса – 10 балл;*

*Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи томонидан рағбатлантирилган бўлса –15 балл;*

*тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари томонидан рағбатлантирилган бўлса – 20 балл.*

Муддатли ҳарбий хизматчига муддатли ҳарбий хизмат даврида намунали ҳарбий интизоми учун кўпи билан 20 балл қўйилади. Бунда ҳарбий қисм командири томонидан рағбатлантиришнинг сонидан қатъи назар, 5 баллдан ортиқ балл қўйилмайди.

Шунингдек, муддатли ҳарбий хизмат давомида назорат-текширув машғулотлари натижалари бўйича муддатли ҳарбий хизматчига жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик учун баҳо қўйиб борилади. Муддатли ҳарбий хизматчининг умумий тайёргарлик даражасини аниқлаш учун жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича баҳоларнинг умумий ўртача арифметик қиймати чиқарилади.

Жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича баҳоларнинг умумий ўртача арифметик қиймати учун муддатли ҳарбий хизматчига қуйидаги тартибда балл қўйилади:

*4,0 дан 4,3 га қадар – 10 балл;*

*4,4 дан 4,7 га қадар – 15 балл;*

*4,8 дан 5,0 га қадар – 20 балл.*

Умумий ўртача арифметик баҳоси 4,0 дан кам бўлган муддатли ҳарбий хизматчига балл қўйилмайди.

**ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Тест синовлари ўтказилиши бошланишидан 5 кун олдин ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан муддатли ҳарбий хизматчиларга хизмат даври давомида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича қўйилган умумий ўртача баҳолар ва балларнинг йиғма ведомости тузилади. Йиғма ведомость муддатли ҳарбий хизматчиларнинг бевосита командирлари ва ҳарбий қисм командирларининг ўринбосарлари томонидан имзоланади ва ҳарбий қисм командири томонидан тасдиқланади.



Йиғма ведомостдан олинган кўчирмалар ҳарбий қисм штаби бошлиғининг имзоси ва гербли муҳр билан тасдиқланиб, тест синовлари бошланишидан 3 кун олдин ҳамма учун кўринарли жойга осиб қўйилади.

Муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик дастурлари ўзлаштирилганлигини якуний баҳолаш учун ҳар бир ҳарбий қисмда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тест синовлари ўтказилади.

Тест синовлари ўтказилишидан бир ой олдин тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан Давлат тест маркази билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш дастурларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар қўшинлари турларининг жанговар-хизмат вазифалари хусусиятлари инобатга олинган ҳолда намунавий тест саволлари ишлаб чиқилади. Мантиқий тестлар Давлат тест маркази томонидан, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул мансабдор шахслари иштирокида ишлаб чиқилади. Тест саволлари тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан муддатли ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик дастурларига киритилган ўзгартиришларни инобатга олган ҳолда ҳар йили қайта кўриб чиқилиши лозим.

Муддатли ҳарбий хизматчиларни тест синовларидан ўтказиш учун ишлаб чиқилган тест саволларининг умумий сони 80 та саволдан ташкил топиб, улардан 40 таси – жанговар тайёргарликка оид, 20 таси – маънавий-маърифий тайёргарликка оид, 20 таси – мантиқий тестлардан иборат бўлади. Ҳар бир жанговар тайёргарликка оид тўғри ечилган тест саволи учун – 1,2 балл, маънавий-маърифий тайёргарликка оид тўғри ечилган тест саволи учун – 1,1 балл, мантиқий тест учун – 1 балл қўйилади. Тест топшириқларини ечиш учун 2 соат вақт берилади. Жавоблар варақасини тўлдириш учун 30 дақиқа ажратилади. Тест синовлари ўтказиш учун умумий вақт 2 соат 30 дақиқани ташкил этади.

**ТАВСИЯНОМАГА МУНОСИБЛАРНИ САРАЛАШ**

Давлат тест марказидан тест синовларининг натижаларига оид расмий маълумотлар олингач, ҳар бир ҳарбий қисмда муддатли ҳарбий хизматчилар билан ўтказилган тест синовларининг натижалари ва хизмат даври давомида тўпланган балларнинг якуний ведомости тузилади. Якуний ведомость тўпланган балларнинг пасайиш тартибида тузилиб, ҳарбий қисм командирининг ўринбосарлари томонидан имзоланади ва ҳарбий қисм командири томонидан тасдиқланади. Якуний ведомостнинг нусхаси ҳарбий қисм штаби бошлиғининг имзоси ва гербли муҳри билан тасдиқланади ҳамда Давлат тест марказидан олинган тест синовларининг натижаларига оид расмий ҳужжатлар билан бирга ҳамма учун кўринарли жойга осиб қўйилади.

Тавсиянома бериш юзасидан якуний қарор қабул қилиш учун ҳар бир номзод муддатли ҳарбий хизматчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, номзоднинг хизмат фаолиятига баҳо берилади, тест синовлари натижалари, намунали ҳарбий интизоми, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича тўплаган баллари ҳамда ҳар бир ҳарбий хизматчи тўплаган балларнинг умумий миқдори эълон қилинади.

Ҳарбий интизомининг ҳолати, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик натижалари ва тест синовлари бўйича энг кўп балл тўплаган муддатли ҳарбий хизматчи муддатли ҳарбий хизматчиларнинг умумий йиғилиши томонидан ижобий қарор қабул қилинганидан сўнг, тавсиянома олишга муносиб, деб ҳисобланади.

**ҚАНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА ТАВСИЯНОМА БЕРИЛМАЙДИ?**

Бунда, юқори баллар тўплаган, бироқ хизмат фаолиятига салбий тавсиф берилган ҳарбий хизматчиларга, умумий йиғилиш ва бўлинма командирларининг ёзма мурожаати асосида ҳарбий қисм командирининг қарори билан тавсиянома берилмайди.

Тўплаган балларининг миқдоридан қатъи назар, муддатли ҳарбий хизмати даврида ҳарбий интизомни қўпол равишда бузган бўлиб, улар юзасидан хизмат суриштируви ўтказилган, ҳарбий қисм командирининг тегишли буйруқлари чиқарилган муддатли ҳарбий хизматчи тавсиянома олиш ҳуқуқига эга эмас.

**ТАВСИЯНОМАНИНГ УМУМИЙ СОНИНИ БЕЛГИЛАШ**

Бериладиган тавсияномаларнинг умумий сони ҳарбий қисмнинг рўйхатига киритилган муддатли ҳарбий хизматчилар сонининг 40 фоизидан ошмаслиги лозим.

Бир неча нафар ҳарбий хизматчининг бир хил миқдорда балл тўплагани боис, 40 фоизли чеклашга амал қилишнинг иложи бўлмаса, бериладиган тавсияномалар сонини бундай ҳарбий хизматчилар сонига мос равишда оширишга рухсат берилади.

Хизмат даврида давлат мукофоти билан тақдирланган муддатли ҳарбий хизматчи тест синовларининг натижалари инобатга олинмай, тавсиянома олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тавсиянома муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилаётган ҳарбий хизматчига бошқа ҳужжатлар билан бирга тантанали вазиятда топширилади.

**Алижон САФАРОВ суҳбатлашди.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Адади 9048 нусха.
Буюртма Г-145.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.